**Ушбу сонда:**
2 МЕТАЛЛУРГЛАР СУЛОЛАСИ
3 *Оролбўйидан мактублар* ЧЎЛГА ОҚШОМ ҚЎНГАНДА
4 РОҲИЛА ОПА ХОНАДОНИ 11 нафар болага жой берди

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 6 июл, чоршанба № 106 (1947)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## УЛАР ХОРИЖДА БЕЛЛАШАДИЛАР

***Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан жорий йилнинг 3-12 июл кунлари Испаниянинг Саламанка шаҳрида бўладиган халқаро физика олимпиадасига ҳамда 8-19 июл кунлари Мексиканинг Мерида шаҳрида ўтказиладиган халқаро математика олимпиадасига 11 нафар ўзбекистонлик ўқувчилар йўлланма олишди.***

Улар орасида Бахмал туманидаги 4-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Шерзод Саидрасулов ҳам бор. У Ўрай қишлоғида туғилиб ўсди. Ёшлигидан математика, физика фанларига ихлос қўйди. 7-синфдан бошлаб мактаб-интернат ўқувчиси бўлди. Устози Хўжабек Отабеков кўмагида бу фанларнинг барча сир-асрорларини қунт билан ўргана борди. Тўрт йилда вилоят босқичида фақат биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилиб келаяпти. Отаси Норбой Қорабеков асли мутахассислиги иқтисодчи бўлганлиги учун ҳам ўғлининг аниқ фанларга қизиқишини тезда пайқаб, унга шароит яратиб берди. У спортнинг барча турларини севиб, мунтазам шуғулланмоқда. Унинг нияти ахборот-технология йўналиши бўйича етук мутахассис бўлишдир.

**Б.НОРҚУЛОВ**

# ШҲТНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

ОСТОНА, 5 июл. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

***Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.***

Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг мазкур учрашувида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда ШҲТ фаолиятининг асосий йўналишлари - хавфсизлик муаммолари ва савдо-иқтисодий мажмуадан ташқари, аъзо давлатлар ўртасида ижтимоий-маданий ва илмий-техникавий ҳамкорликни, транспорт коммуникациялари борасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шунингдек, Президентлар минтақавий ва халқаро муаммоларга, террорчилик, экстремизм, айирмачилик, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркобизнес ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси каби иллатларга қарши биргаликдаги курашнинг самарадорлигини ошириш борасидаги масалаларга эътибор қаратдилар.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида ШҲТни ривожлантириш масалаларига оид қарашлар, таклиф ва мулоҳазалар баён этилди.

Музокара давомида ташкилотнинг ўтган йилги Тошкент саммитида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши, Ўзбекистон пойтахтидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳамда Пекиндаги Котибиятининг ўтган даврдаги фаолияти кўриб чиқилди. Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, нефт-газ конларини ўзлаштириш, транспорт, фан-техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, сайёҳлик ва экология соҳаларидаги алоқалар кўламини кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар ШҲТнинг Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ишбилармонлар форумини ташкил этишга, Афғонистондаги тикланиш ишларидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Саммит якунлари бўйича ШҲТ Давлат раҳбарларининг декларацияси имзоланди. Шунингдек, ШҲТга аъзо давлатларнинг террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги концепция қабул қилинди, ШҲТга аъзо мамлакатларнинг ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасидаги доимий вакиллари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Саммитда Эрон, Покистон ва Ҳиндистонга ШҲТ ҳузурида кузатувчи мақомини бериш тўғрисидаги қарорларга имзо чекилди. Бунгача фақат Мўғилистон шундай мақомга эга эди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар саммит доирасидаги музокаралар самарали ўтгани, эришилган келишувлар аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. Ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўзаро мулоқотларни изчил давом эттириш, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида вазирлик ва идоралар, ишбилармон доиралар ўртасидаги бевосита алоқаларни янада фаоллаштириш борасида келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари Мўғилистон Халқ Республикаси Президенти Намбарин Энхбаёр билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Мўғилистон муносабатларининг бугунги аҳволи ҳамда мамлакатларимизнинг ШҲТ доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар муҳокама қилинди.

## *Ислоҳотларни янги босқичга кўтариш пойдевори*

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик ҳаракатини қанот ёйдириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми сифатида қабул қилинаётган турли меъёрий ҳужжатлар соҳа тараққиёти учун катта имконият яратаётир.***

# ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори ислоҳотларни янги босқичга кўтаришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади. Чунки бу ҳаётбахш фармон ва қарорлар юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун ишончли кафолатдир.

Туманимизда ҳозирги пайтда юзлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Ахборот-маслаҳат марказимизга эса 550 дан ортиқ тадбиркор аъзо бўлган. Шундан 152 таси жисмоний, 398 таси юридик шахслардир. Улар билан ҳамкорликда ишлаш жараёнида шунга амин бўлдимки, тадбиркорларга аввало эркин, соғлом муҳит лозим экан. Бироқ, сир эмаски, шу пайтга қадар тадбиркорларимиз ишига ўзбошимчалик билан аралашув ҳоллари кўплаб учраб турарди. Бошқачасига айтганда, 20 га яқин турли назорат-тафтиш органлари тадбиркорларимиз учун «ортиқча даҳмаза» туғдирар эди. Ишбилармонларимиз билан гаплашсангиз, ҳар хил «комиссия»ларнинг текшир-текширлари жонга текканидан нолиб гапиришарди. Чинданам, агар корхонага текширувчи келса, қанча иш қолиб кетишини бир тасаввур қилинг-а. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон эса ана шундай нохуш ҳолатларга батамом чек қўйди. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир ўтказиш фақатгина судлар орқали амалга оширилиши, молиявий-хўжалик фаолияти эса солиқ органлари томонидан текширилиши белгилаб қўйилди.

Шу пайтгача тадбиркорларимиз солиқ идораларига ойлик ҳисоботларини топширишга 4-5 кунлаб вақтларини сарфлашар эди. Энди эса бундай ҳисоботлар ҳар чоракда бир маротаба тақдим этилади. Демакки, тадбиркорларнинг қимматли вақтлари беҳуда ҳавога совурилмайди. Шу ўринда, Президентимизнинг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аҳамияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Унда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун аввалги бир нечта мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилганлиги айтилган. Қолаверса, янги ташкил этилган бу турдаги тадбиркорлик субъектлари учун мазкур тўловни тўлаш муддати бир йилга кечиктирилиши, шунингдек, ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилиниши ишбилармонлар учун катта имкониятдир.

Юртбошимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини, аҳамиятини ишбилармонларга етказиш мақсадида бирмунча ишларни амалга ошираяпмиз. Консалтинг хизмати кўрсатиш, ўқув-семинарлар ташкил этиш жараёнида бевосита жойларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказаяпмиз. Ана шундай учрашувлардан бирида «Мурод» савдо-ишлаб чиқариш хусусий фирмаси раҳбари Шомурод Назаров ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

– Фаолиятимизни бундан 12 йилча аввал бор-йўғи уч киши билан бошлаганмиз. Иштиёқ, изланиш, мақсад сари интилиш бўлса, барчаси бўларкан. Секин-аста тикув ва пахта тозалаш цехларини очдик, мойжувозни ишга туширдик. Кейин автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият бошлади. Гапнинг пўсткалласини айтсам, кейинги йилларда фаолиятимизни янада кенгайтиришда бир қатор сунъий тўсиқларга дуч келаётгандик. Аминманки, энди ишимиз юришиб кетади. Умуман, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотдаги улуши сезиларли равишда ошади.

**Ф.ЮСУПОВ,**
**Хоразм вилояти Савдо-саноат палатаси Шовот туман ахборот-маслаҳат маркази директори**

***Жорий йилдаги болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми касаба уюшма ташкилотларига ҳам катта масъулият юклади. Шу боисдан Тошкент шаҳар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши мавсумга пухта тайёргарлик кўрди. Натижада ҳозирги кунда Миробод туманидаги 110-, Мирзо Улуғбекдаги 256-, Юнусободдаги 97-, 246- ва 258-, Яккасаройдаги 160-мактаблар қошида очилган кундузги оромгоҳларда ўқувчилар ёзни кўнгилдагидек ўтказишаяпти. Белгиланган режага асосан, шаҳардаги мавсум талабларига жавоб берадиган 25 та мактаб қошида фаолият кўрсатадиган кундузги оромгоҳларда икки смена давомида 5 минг нафар ўқувчи ҳордиқ чиқаришади. Уларга асосан маҳаллаларда ҳамда кўп қаватли уйларда яшовчи оилаларнинг фарзандлари жалб этилади.***

# МАКТАБЛАР ҚОШИДАГИ ОРОМГОҲЛАР

Кундузги оромгоҳларда хизмат кўрсатувчи барча ходимлар, шу жумладан тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, тўгарак ва мусиқа раҳбарлари ва бошқа касбдагилар техника ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидалари билан таништирилди. Болаларнинг соғлиқларини ҳамда ҳаётларини муҳофаза этиш мақсадида оромгоҳ бошлиқлари, катта етакчилар, спорт ва сузиш бўйича йўриқчилар тегишли қўлланмалар билан тўла таъминланишди.

Миробод туманидаги 110-мактаб қошидаги "Бойчечак" оромгоҳида 100 нафар бола бешта гуруҳга бўлиниб, дам олишаяпти. 12 нафар ходим уларга хизмат кўрсатмоқда. Амалга оширилаётган барча тадбирлар иш режасига асосан олиб борилмоқда. Унга асосан "Мусаффо осмон" мавзусида расм чизиш, "Эртаклар оламига саёҳат", "Спорт - менинг ҳаётим" мусобақалари, викторина ўйинлари ўтказилмоқда.

Мирзо Улуғбек туманидаги 256-мактаб қошида очилган "Камалак" болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида эса ҳар бир гуруҳ "Учқун", "Аҳиллик", "Делфин" деган номлар ва ўз шиорларига эга. Спорт секциялари ҳамда тўгараклар тасдиқланган режа асосида олиб борилмоқда. Болалар ҳафтада икки маротаба "Умид" спорт мажмуаси сув ҳавзасида сузиш билан шуғулланмоқдалар. "Тасвирий санъат" ва "Бисер билан тўқиш" тўгараклари доимо гавжум. Болаларга "Политра фаворит" масъулияти чекланган жамиятнинг ошпазлари тотли таомлар тайёрлаб беришяпти.

Чилонзор туманидаги 101-мактабнинг "Қуёшжон" ёзги болалар оромгоҳида ҳам 8 та тўгарак фаолият кўрсатяпти. Компьютер тўгараги шулар жумласидандир. Унда болалар компьютер соҳасида ўз билимларини оширишмоқда. Бундан ташқари, болалар республика ўқувчи-ёшлар ижодиёт маркази қошидаги тўгаракларга қатнашяпти. Барча болалар Ғофур Ғулом номли истироҳат боғига бепул чипта билан таъминланишган.

Юнусобод туманидаги "Ғунча", "Хумо", "Истиқлол" оромгоҳларида болаларнинг дам олишлари ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита таркиби ва тадбирлар режаси тасдиқланган. Мазкур дам олиш масканларига кам таъминланган оилалар фарзандларини жалб этиш мақсадида ташкилий ишлар режалаштирилган. Масалан, "Ғунча" оромгоҳига кўп болалик оилаларнинг фарзандларига йўлланма ажратишда "Умид" маҳалласи фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Юқоридаги ҳар учала оромгоҳларда бештадан гуруҳ бўлиб, жами болалар сони 300 нафарни ташкил этади.

Тадбирлар режасида "Ғунча" оромгоҳининг "Ўзбек миллий анъаналари" конкурси, "Хумо"да "Хўжа Насриддиннинг қувноқ бадан тарбияси", "Сатира ва юмор куни", "Усталар шаҳри" мавзуларида ўтказилаётган тадбирлар долзарблилиги ҳамда ҳаётийлиги билан диққатга сазовордир.

Сўлим масканларда болаларнинг дам олишларини янада мазмунли ўтказиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вакиллари билан бевосита иш олиб бориш, фарзандларимизнинг иштиёқи ҳамда истагидан келиб чиққан ҳолда турли қизиқарли тадбирлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилган. Шунингдек, санитария ҳолатларини талаб даражасида бўлишини таъминлаш, ошхоналардаги мавжуд технологик асбоб-ускуналарни узлуксиз ишлашига шароит яратиш, таомларнинг хилма-хил дармондориларга бой бўлиши учун ҳам барча чоралар кўрилмоқда.

**Н. РАФИҚОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

# МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР МУҲОКАМАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида (СМТИ) Шанхай халқаро тадқиқотлар институти (ШХТИ) директорининг ўринбосари Ван Сяошу раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирокида «Марказий Осиёдаги ҳозирги вазият ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Хитой - Ўзбекистоннинг Осиёдаги йирик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги алоқалар тобора ривожланиб бораётир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил майида Хитойга давлат ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида бугун жаҳон ҳамжамияти дуч келаётган таҳдидлар - халқаро террорчилик, экстремизм, гиёҳванд моддалар савдоси каби муаммоларни бартараф этиш дунё мамлакатлари, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлардан ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларни янада фаоллаштиришни талаб этаётгани алоҳида таъкидланди. Зеро, минтақа мамлакатлари иқтисодий интеграциялашуви тобора ривожланаётган ҳозирги пайтда барқарорликка жиддий хавф солаётган бундай хатарларга қарши фақат ҳамкорликда кураш самарадорлигини ошириш орқалигина барҳам бериш мумкин.

ШХТИ вакиллари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан ҳам учрашдилар.

**(ЎзА)**

# ЁШ АВЛОДГА ЭЪТИБОР

## мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди

***Мамлакатимизда болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми қизғин давом этмоқда. Маълумки, жорий йилда республика бўйича 540 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи, шу жумладан, 245 та шаҳардан ташқаридаги, 20 та санаторий туридаги, 3 та спорт-соғломлаштириш, 1 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳи ҳамда 271 та мактаблар, лицей ва коллежлар қошида ташкил этилган оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда.***



### *Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият*

Сиҳат-саломатлик йилида болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб этиш мақсадида қўшимча оромгоҳлар очиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада лицей, коллежлар қошида 147 та кундузги, 12 та шаҳардан ташқаридаги оромгоҳлар очилишига эришилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида бу йил соғломлаштириш оромгоҳларида режага мувофиқ 246,8 минг нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлайди. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 75,4 минг нафар болага кўп демакдир.

Бугунги кунда оромгоҳларда 117 минг нафардан зиёд ўқувчилар дам олмоқдалар. Бошқа вилоятлардагидек, Андижонда ҳам соғломлаштириш мавсуми қизғин давом этмоқда. Ҳозирда вилоят бўйича 37 та оромгоҳ – 22 та стационар, 15 та кундузги оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларда вилоятнинг 5300 нафар ўғил-қизлари ҳордиқ чиқариб, маданий-маърифий ва спорт тадбирларига жалб этилган.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш ишларини мунтазам равишда ўрганиб бориш, ҳудудий комиссияларга тегишли амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика комиссияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Мазкур ишчи гуруҳ аъзолари Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб, оромгоҳларда болаларни соғломлаштиришнинг боришини ўрганиш билан бирга мавжуд камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Ҳар йилгидек анъанавий равишда ёзги мавсум давомида Оролбўйи минтақасидан 4000 нафар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 2500 нафар, Хоразм вилоятидан 1500 нафар ўғил-қиз диёримизнинг энг сўлим масканларида ҳордиқ чиқаришлари режалаштирилгани ҳолда биринчи навбатда 1664 нафар Оролбўйи болалари яхши дам олиб, оилалари қучоғига қайтдилар. Соғломлаштириш мавсумининг иккинчи навбатида эса 350 нафарга яқин қорақалпоғистонлик ва хоразмлик ўғил-қиз таътилни мазмунли ўтказмоқда. Бугунги кунда Оролбўйи болаларини оромгоҳларга олиб келиш жадвал асосида давом этмоқда. Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик туфайли уларни оромгоҳларга олиб келиш, уйларига қайтишлари ва йўлланмалар бепул ташкил этилмоқда.



Республикадаги мавжуд болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган ўғил-қизларнинг маънавий-маърифий камолоти, дунёқарашларини кенгайтириш, Ватанимиз тарихи, миллий қадриятларимизни чуқур англашлари масалалари ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Яъни, оромгоҳларнинг Маънавият ва маърифат хоналари, кутубхоналар, турли тўгаракларда ватанпарварлик, она диёрга садоқат, меҳр-оқибат, мардлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш мақсадида тарбиявий мавзуларда таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашувлар, шунингдек, оромгоҳлар жойлашган ҳудуддаги тарихий масканлар ҳақида, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган табаррук инсонлар билан суҳбатлар ташкил этилмоқда.

Сирасини айтганда, республикамиз ҳукумати, тегишли вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ватанимиз келажаги бўлмиш ёш авлоднинг ҳар томонлама мазмунли дам олиб, янги ўқув йилига куч-ғайрат тўплаб қайтишлари, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида барча имкониятни ишга солмоқда.

**М.ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби**

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

## УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

***«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонига асосан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан фаолиятни тугатиш, банклардаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш каби ҳолатлар бекор қилинди.***

Бу тадбиркорларнинг ортиқча овораю сарсон бўлишининг олдини олади. Таъкидлаш жоиз, баъзи ўринларда уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиш ва ноқонуний молиявий жарималарга тортиш, лицензияларини бекор қилиш каби турли қонунбузилиш ҳолатлари ҳақли норозиликларга сабаб бўлаётган эди. Эндиликда бундай таъсир чораларининг суд идоралари орқали амалга оширилиши адолатли қарорлар қабул қилишда муҳим рол ўйнайди.

Назорат қилувчи ва бошқа органларнинг ишбилармонлар фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир этувчи айрим ваколатлари ҳам чегараланди. Бу ҳуқуқий ҳимоя тизими янада мукаммаллашди ва тадбиркор эркинлиги амалда таъминланди, демакдир.

Қайд этиш керакки, ноқонуний текширувлар тадбиркорлик субъектларининг эътирозига сабаб бўлиб келаётганди. Хусусан, 2003 йил давомида 1210 та ҳолатда текширувлар тартиби бузилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 2830 тага етган. Шундан 115 тасида рухсатсиз текшириш ўтказишга йўл қўйилган. Жорий йилнинг беш ойи давомида эса 24 та ҳолатда ноқонуний текширишлар аниқланди.

Тадбиркорлар фаолиятига бу каби ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш учун энди мазкур Фармонга асосан уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда тафтиш ўтказиш фақатгина давлат солиқ хизмати органлари томонидан бажарилади. Текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқлангудек бўлса, бундай вазиятда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига мурожаат этилади. Бундан ташқари, назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича текширувлар ўтказганлиги учун жавобгар бўлишади. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўзғатилган жиноят иши юзасидан текширувни тайинлаш махсус қарор мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши мумкин. Тафтиш ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳисоботи ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарор ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Чунки унда ишбилармонларнинг беҳуда вақт сарфлашига чек қўйилиб, ҳисобот топширишга кетадиган вақтни фаолиятини янада кенгайтиришга қаратиш имкони яратилди.

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб корхоналар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар ҳар ойда эмас, балки ҳар чоракда топширилади. Шунингдек, қонунда назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш қатъиян ман этилади. Бу билан тадбиркорлик субъектлари учун янада соддалаштирилган ҳисобот тизими яратилиб, унинг муддати қисқартирилди ва сансалорликларга чек қўйилди.

Мазкур Фармон ва қарорнинг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, кенг жамоатчиликка унинг моҳият-мақсадини етказиш мақсадида тегишли вазирлик ва қўмиталар томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Адлия идоралари ушбу йўналишда кичик ва хусусий тадбиркорларни, шу жумладан хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоялашга, шартномавий муносабатлар бўйича аҳволни яхшилашга қаратилган аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган ҳар бир ҳолат чуқур ўрганилиб, муаммоларни сунъий равишда ташкил қилиб келаётган мансабдор шахслар фаолиятига қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда принципиал тарзда баҳо берилаяпти.

**Сарвар МАҲАММАДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси катта маслаҳатчиси,**
**Нуъмон МУҲАММАДИЕВ,**
**етакчи маслаҳатчи**



*Наманган туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги пахтакорлари айни кунларда ўз олдиларига эзгу мақсад қўйган ҳолда фидокорона меҳнат қилишмоқда. Улар эрта баҳорда 418 гектар ерга олий навли чигит экишганди. Гектаридан 31 центнердан ҳосил кўтаришни кўзлаётган деҳқонлар ўз вақтида агротехника юмушларини сифатли қилиб бажардилар. Шунинг учун ҳам ҳозирда ғўзалар кўзни қувнатади, ҳар бирида етти-саккизтадан бўлиқ кўсаклар бор. Бунда 35 йилдан бери хўжаликда меҳнат қилиб келаётган тажрибали сувчи Муродилла Тошбоевнинг улуши каттадир.*

**Суратда: илғор сувчи Муродилло Тошбоев.**

**П.АКБАРОВ олган сурат**

## ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Истиқлол байрамига бағишлаб ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичи ғолиблари мақом, эстрада, вокал, хор йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди. Танловда она юрт тароватини, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, истиқлол ва озодликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Танлов якунида Жиззах шаҳри бадиий жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўрин Пахтакор, учинчи ўрин Зомин тумани ҳаваскорларига насиб этди.

*Касаба уюшмалари бугун*

# ИЗЛАНИШ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА

## олтинкўллик соғлиқни сақлаш касабачиларининг ижтимоий шерикчилик соҳасидаги тажрибасидан

***Касаба уюшма аъзолари ўз етакчилари Рустамжон Охуновнинг меҳнат муҳофазаси борасидаги жонкуярлигини ғоят қадрлашади. Дарҳақиқат, хавф-хатарсиз иш жойида хотиржам меҳнат қиласиз, муҳими, эртанги кундан кўнглингиз тўқ бўлади.***

Кунлардан бир кун қозонхонадаги юмушлардан раиснинг кўнгли хижил бўлди. Ишхонада солярка ёнилғисининг ёқимсиз ҳиди анқир, махсус кийимбошлар бўлатуриб, ишчилар ундан фойдаланишга ҳафсала қилишмасди. Поликлиника ҳузуридаги лабораторияда ҳам аҳвол яхши эмасди. Ходимлар билан мулоқотда сут-қатиқ каби парҳез таомлар етказиб беришда узилишлар бўлаётганлиги аниқланди.

Инсонларнинг соғлиғи, ҳаёти, кундалик фаолиятига дахлдор муаммоларни ҳал қилишни Рустамжон ҳеч қачон пайсалга солмаган. Дарҳол иш берувчининг ҳузурига шошилди. Бош ҳаким Аҳмаджон Исмоилов тармоқ касаба уюшма вакилини қўллаб-қувватлади. Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги сусткашликни очиқ тан олди. Иш берувчи билан вакиллик жамоа шартномасида меҳнат муҳофазасига доир бандларнинг бажарилишини қўшма йиғилишда таҳлил қилишга келишиб олдилар.

Мажлисда бош ҳакимнинг хўжалик ишлари бўйича муовинининг ҳисоботи эшитилди. Раёсат аъзоси, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнораҳон Мамажонова оналар ва болаларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида ахборот берди. Саъй-ҳаракат бесамар кетмади. Зарарли шароитда ишловчиларга парҳез таомлар мунтазам етказиб берила бошланди. Ходимларга бир сидра махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари тарқатилди. Эмизикли оналар қисқартирилган иш соатига ўтказилди.

Ҳа, аҳиллик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик илдиз отган жойда, хайрли ишлар қулоч ёяверади. Вакиллик ҳамда маъмурият томонидан имзоланган жамоа шартномасида ижтимоий шерикчиликка алоҳида урғу берилган. Унда "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурини амалга оширишда, вакилликнинг давлат ва нодавлат тузилмалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши ўз аксини топган.

Тиббий маданият, шахсий гигиена ёшликдан шаклланса, бундай оилада соғлом турмуш тарзи қарор топади. 2 та касб-ҳунар коллежида "Саломатлик курслари" машғулотлари ташкил этилди. "Қўштепасарой" қишлоқ врачлик пунктида туман марказий касалхонаси шифокорлари билан давра суҳбати ўтказилди. Мулоқот соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ҳақидаги суҳбат билан бошланди. "Саломатлик маркази" мудири Гўзалхон Мирзаева бу ҳақда батафсил гапириб берди. Шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Мирзамаҳмуд Миллажонов қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилиши, оилада шахсий гигиенага риоя қилиш ҳақидаги саволларга жавоб берди. Туманда 2 ёшгача бўлган болалар ўртасида учрайдиган юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказилди. Бўғма, қизамиқ, қоқшол касалликларига қарши вакциналар билан болалар бепул эмланди. Ана шундай профилактик, тиббий, маърифий тадбирлар «Сафаробод», «Оқтепа», «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам уюштирилди.

Ижтимоий шерикчилик соҳасида касаба уюшма Андижон вилоят тармоқ кенгашининг олтинкўллик касабачилар билан амалий ҳамкорлиги эътиборга сазовор. Бинобарин, Кенгаш ташаббуси билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари ҳамда Андижон тиббиёт институти профессор-ўқитувчиларидан иборат "Саломатлик гуруҳи"нинг ёрдами катта бўлди. Тадбирга Олтинкўл туман марказий шифохонаси маъмурияти ва соғлиқни сақлаш ходимлари тармоқ вакиллиги ҳомийлик қилди.

"Кўмакай" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ўқув-семинар саломатлик байрамига айланиб кетди. Тадбир оналар ва болалар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш мавзусига бағишланди. Меҳмонлар қишлоқ врачлик пунктларида оналар ва болаларга кундузги тиббий хизматнинг уюштирилиши, дори-дармон таъминоти масалалари билан танишдилар.

"Саломатлик гуруҳи" маҳаллаларга йўл олди. Юқумли касалликлар билан оғриган аёлларни аниқлаш, ташхис қўйиш, туғма нуқсони бор болаларга тезкор ёрдам кўрсатиш, ўғил-қизларни шифобахш таомлар ва препаратлар билан соғломлаштириш, камқонликнинг олдини олиш тўғрисида туркум суҳбатлар олиб борилди. Туғиш ёшидаги аёллар, чақалоқлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу тадбирлар ўз натижасини берди. 2000 нафар аёл вилоят ва туман марказий шифохоналарида соғломлаштирилди. Никоҳ ёшидаги 1000 нафар ўсмир қизлар таркибида темир моддаси бор препаратлар билан таъминланди.

Она соғлом-бола соғлом. Туманда "Она ва бола скрининги" маркази ишини фаоллаштириш, хотин-қизларни, чақалоқларни скрининг кўригидан мунтазам ўтказиш саломатлик посбонларининг диққат марказида. Марказий касалхонага қарашли туғруқ комплексининг замонавий тиббий ускуна ва воситалар билан қайта жиҳозланганлиги таҳсинга сазовор.

Олтинкўллик соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вакиллиги ишловчиларнинг фарзандларини соғломлаштиришда ҳам иш берувчи ва бошқа давлат тузилмалари билан ижтимоий шерикчилик асосида фаолият юритмоқда. Жамоада 1820 нафар касаба уюшма аъзоси ёлланма меҳнат билан банд. Касабачиларнинг туман ҳокимлигига тармоққа қарашли "Шифокор" оромгоҳини қайта таъмирлаш юзасидан мурожаатлари эътиборсиз қолмади. Оромгоҳ оталиқ ташкилотлар, ота-оналарнинг ёрдамида ҳашар йўли билан қисқа муддатда қўлдан чиқарилди. Ёзги мавсумда 900 нафар ўғил-қизнинг дам олдирилиши режалаштирилган. Шу кунларда бир гуруҳ болалар ёзги таътилни мароқли ўтказишга шайланмоқда. Дам олувчиларнинг аксарияти кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари. Молиявий харажатлар касаба уюшмаларининг суғурта маблағлари, ота-оналарнинг аъзолик бадалларидан қопланади.

Андижонликлар қатори олтинкўлликлар ҳам бағри кенг, одамларга дардкаш. Иш берувчи билан касаба уюшма вакиллигининг юқорида тилга олинган қўшма дастурида донорликни рағбатлантириш орқали аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш йўлга қўйилган. Бунда марказий шифохона ҳузуридаги қон қуйиш бўлими ҳакимларининг ишлари ибратли. Улар аҳоли ўртасида донорнинг беморга умр бахшида этувчи фазилатлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Республикада кенг қулоч ёйиб бораётган "Қон инсон хизматида" фондини қўллаб-қувватлаш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари изсиз кетмаяпти. Айни кунларда туманда 48 нафар донор рўйхатга олинган. Бугунгача 600 нафар фуқаро ихтиёрий равишда қон топширди. Беморларни, хусусан камқонли аёлларни, ногиронларнинг соғлиғини тиклашда донорлар жон озиғи бўляптилар.

**С. РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# МЕТАЛЛУРГЛАР СУЛОЛАСИ

***Ўзбекистон металлургия комбинатида ишлаб, ўз бахтини топган, эл-юртга танилган инсонлар кўплаб топилади. Ана шундайлардан бири Асад бобо Эргашевдир. У ўзининг бутун меҳнат фаолиятини қадрдон корхонасига бағишлади. Эндиликда унинг ишини фарзандлари, набиралари давом эттиришмоқда.***

### ИККИНЧИ БОР ДУНЁГА КЕЛГАН БОЛА

Асад бобонинг ёшлиги Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида ўтди. Болаликда аччиқ қисматга дуч келди. Ўтган асрнинг 20-30 йилларида дарди бедаво ҳисобланган қизамиқ касаллиги кўплаб болаларнинг умрига зомин бўларди. Бу бало Эргаш бобо Шариповнинг оиласини ҳам четлаб ўтмади.

Бир ярим ёшли Асад ҳам қизамиққа чалинди. Дарднинг кучайиб бориши натижасида у ҳолсизланиб қолди. Ҳушидан кетиб, баданида тириклик аломати кўринмагач, уни оламдан ўтди, дея юзини дока билан ёпиб қўйишди. Бахтига момоси Чиннихон Асаднинг танасида тириклик аломатини пайқаб қолиб, тезда эмлатди.

Шунинг учунми, Эргаш бобо фарзандларини еру кўкка ишонмас, уларнинг яхши ҳаёт кечириши учун кечаю кундуз меҳнат қиларди. Афсуски, умри қисқа экан, Асад 6 ёшида отасидан айрилиб қолди. Тирикчиликнинг бутун оғирлиги онаси Ҳанифа опанинг зиммасига тушди.

- Маҳалламизда мактаб йўқлигидан, - деб хотирлайди Асад бобо, - тегирмонда, меҳмонхонада, хуллас, қаерда бўш хона бўлса, ўша жойда ўқирдик.

1944 йил. Айни пишиқчилик пайти. Чайлада қовун еб ўтирган эдим, ҳарбий комиссарликдан вакиллар келиб, 18 ёшга тўлишим муносабати билан ҳарбий хизматга чақирилганлигимни билдиришди.

Шундай қилиб Қоракўл туманидан хизматга сафарбар этилган 170 кишини Бухоро вилоят ҳарбий комиссарлигига олиб келишди. Шу жойда Бекободда эндигина ишга тушган металлургия заводига ишлашга боришимизни айтишди.




### ШОГИРД ЭДИ, УСТА БЎЛДИ

Мартен цехида ишлаш осон эмас эди. Оғир жисмоний меҳнат ишчиларни қаттиқ чарчатар эди. Бироқ Асад баъзи тенгдошлари қатори қаттиқ қийналмади. Суяги меҳнатда қотган йигит эмасми, тез орада кўзга ташланиб қолди. Бора-бора пўлат қуювчилик касби унга ҳузур бахш эта бошлади.

Асад Эргашевнинг меҳнаткашлиги, ташкилотчи ва ташаббускорлигини раҳбарлар ҳам кузатиб юришган экан. 1948 йили мартен цехи бошлиғи Г. Костяной уни усталикка тайинлади. Ўша йиллари ёш уста Ҳофиз Ғаниев, Ашурвой Ғофуров, Афғон Асаббоевлар қаторида цехнинг кўзга кўринган металлурглари сафидан жой олди.

Асад Эргашев катта усталикка тайинланиб, пенсияга чиққунига қадар шу вазифада ишлади. Ўзига ҳам, ишчиларга ҳам талабчан бўлган уста раҳбарлигида иш самарадорлиги ортиб борди. Шу йилларда рекорд даражасидаги пўлат қуйилмалари тайёрлана бошлади.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш кескин ошди. Бекободлик металлурглар самарали меҳнатлари билан тармоқ корхоналари ўртасида кўплаб меҳнат беллашувларида ғолиб чиқиб, номлари бутун мамлакатга ёйилди.

### ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Кекса металлург, турмуш ўртоғи Завзян Ярулина билан бирга яшаётганларига 55 йил бўлди. Улар муносиб фарзандлар ўстириб, тарбиялашди. Бобонинг фарзандлари ҳам ота-лари йўлидан бориб, металлурглар жамоасида меҳнат қилмоқдалар. Тоир электрда пўлат эритиш цехида катта уста, Зокир 1-навли прокат цехида смена бошлиғи, Нурия мартен цехида меъёрловчи, Жамила ва Нажиялар пўлат соққалар цехида оператор бўлиб ишлаб келишмоқда.

Асад Эргашевни набиралари эркаланиб, "Қаҳрамон бобомиз" деб аташади. Ҳақиқатан ҳам бобо қаҳрамонона меҳнати, ҳаёти билан бу улуғ номга лойиқ эканлигини исботлади. Унинг ҳаёти, меҳнат фаолияти фарзандлари, келажак авлод учун ибратли мактаб вазифасини ўтайди.

— Мустақиллик туфайли бола-чақам билан қадр топдим, — дейди ота.

Асад бобо ҳозир нафақада. Лекин завод маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси унинг хизматларини эсдан чиқармайди. Корхонанинг 60 йиллик тўйида қаҳрамон бобо ҳам муносиб тақдирланди.

**И.МАМАТҚУЛОВ,**
**Т.ҲАЙДАРОВ**

## «ШАРҚ НЕЪМАТЛАРИ»

***Бағдод туманидаги «Шарқ неъматлари» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси иш бошлаганига бир йил тўлди. Ўтган вақт ичида корхонанинг мавқеи, иқтисодий салоҳияти анча юксалди. Эллик нафар киши билан иш бошлаган корхонада бугун 225 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.***

Корхонада полиз ва сабзавот экинларидан ўнлаб турдаги маҳсулот тайёрланади. Уларнинг салмоқли қисми Санкт-Петербург шаҳридаги «Русская еда» корпорацияси орқали хорижлик истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

- Корхонамиз йилига 900 тонна маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга, - дейди қўшма корхона бош директори И.Қурбонов. - Бироқ хомашё танқислиги боис тўла қувват билан ишлолмаяпмиз. Муаммони ҳал этиш мақсадида бу йил тумандаги фермер хўжаликлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатдик. Корхонага қарашли 140 гектар майдонда ҳам сабзавот экинлари етиштирилмоқда.

*Жамоа келишувлари қандай бажарилмоқда?*

***Демократия тамойиллари мустаҳкам қарор топаётган мамлакатимизда бошқа жамоат ташкилотлари қатори касаба уюшмаларига ҳам катта ҳуқуқ берилган. Жумладан, давлатимизнинг асосий қонуни бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг касаба уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи белгиланган.***

# ХОҲИШНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

Касаба уюшмаларининг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоялашдан иборатдир. Зеро, Конституциянинг 59-моддасида «Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар» деб ёзиб қўйилган. Бундан ташқари, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳамда Фуқаролик кодексининг 75-моддасида жамоат ташкилоти фаолият эркинликларининг кафолатлари белгилаб берилган.

Тармоқ касаба уюшма вакиллигимизнинг фаолияти бош йўналиши соҳа ходимларига моддий-маънавий кўмак бериш, уларни соғломлаштириш ва дам олишини ташкил қилиш каби муҳим масалаларга қаратилган. Жамоа келишувининг қонуний мукаммал тузилишига, томонларнинг мажбуриятлари амалда бажарилишига қатъий эътибор қаратилаётир.

Туманимизда 28 та мактаб, 28 та мактабгача таълим, 4 та мактабдан ташқари муассасалар фаолият кўрсатаяпти. Вакиллик таркибида 3537 нафар касаба уюшма аъзоси бор.

Вакиллик билан туман халқ таълими бўлими ўртасида 2004-2006 йилларга мўлжалланган битим тузилган. Унга халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг манфаатларига оид имтиёз ва қўшимча енгилликлар киритилган. Шунингдек, таълим муассасаларида жамоатчилик асосида ишлаётган бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларига нисбатан рағбатлантириш фонди ҳисобидан ҳар ойда 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда қўшимча тўловни амалга ошириш белгилаб қўйилган. Шу билан бир қаторда вакиллик билан иш берувчи ўртасида тузилган 10 та жамоа келишувида ҳам соҳа ходимларининг меҳнатига доир муносабатларини ифода этувчи кафолатлар акс эттирилган. Улар ўз вақтида бажарилиб келинмоқда.

Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга аҳамият беришяпти. Спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида турли мусобақалар уюштириляпти. Анъанавий 5-республика спартакиадаси бу ерда ҳам катта байрамдек ўтказилди. Унда фахрли ўринни эгаллаган соҳа ходимлари қимматбаҳо совғалар ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Соҳа ходимларининг фарзандлари ўртасида ташкил этилган «Қалдирғоч» футбол жамоасига 300 минг сўмлик спорт либослари, футбол тўплари олиб берилди. Бундан ташқари, кам таъминланган ва касалликка чалинган, ёрдамга муҳтож ходимларнинг 64 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Иш режасига кўра барча маданий-оммавий тадбирлар муддатида ўтказиляпти. Йил давомида бунга 1 миллион 442 минг сўм маблағ ажратилди. Ходимлардан 16 нафари нафақага иззат-икром билан кузатилди. Соҳа ходимларининг саломатлиги ҳам кун тартибидаги долзарб масала. Уларнинг 28 нафарига сиҳатгоҳларга йўлланмалар олиб берилди. 3 нафар ходим «Бўстон», «Косонсой» сиҳатгоҳларида бепул даволаниб қайтди.

**Б.ТУРОБОВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Навоий вилоят кенгашининг Кармана туман вакили**

*Бор бўл, оқибат!*

# БАҒРИКЕНГЛИК

Ярим тунда безовта бўлиб уйғонган кекса отахон хонадонидан бўрсиқиб чиқаётган тутунга кўзи тушди. Фалокат юз берганлигини англади-ю, уйдагиларни дарҳол ташқарига олиб чиқди. Қўни-қўшнилар тўпланиб келгунларига қадар уй ёниб қулай бошлади. Оломон оловни ўчирди. Аммо ҳаммаси куйиб, кул бўлганди.

Энди Мингиш бобо қаерда яшайди? Бу саволни маҳалладагилар дарҳол ҳал этишди. Кўчада қолган оилани улар бағрига олишди. Қўшниси уйидан жой ажратиб берди...

Орадан 4-5 кун ўтди. Мевазор қишлоғининг оқсоқоли Тўра ака Назаров одамларни бирлаштирди. Туфли Овлақулов, Олим Юсупов ва бошқа ўнлаб қишлоқдошлар қурилиш материалларини тўплаб, уй қуришни бошлаб юборишди. Бу хайрли ишдан «Яккабоғ» ширкат хўжалиги раҳбарияти ҳам четда қолмади. Элнинг саъй-ҳаракати билан Мингиш бобо Элмуродов оиласига 3 хонали уй қуриб битказилди. Рўзғор учун керакли анжомлар, кўрпа-тўшаклар ҳам олиб берилди.

– Ўша ташвишли кун ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, - дейди Мингиш бобо. – Аммо атрофимда шунча меҳридарё инсонлар бор экан, бошимга тушган бу фалокат енга олмади. Қадрдон қишлоқдошларимнинг меҳрибонлиги қалбимни кўтарди, уларни умримнинг охиригача дуо қиламан.

Бу воқеа нафақат қўни-қўшничилик риштаси, балки меҳр-оқибат одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги, бошига ташвиш тушганда бир-бирини суяш, таянч, елкадош бўлиш хислати одамийликнинг энг юксак чўққиси эканлигини яна бир карра кўрсатади.

**Х.ТЎРАЕВ**

## ЭРОНДА ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Эрон пойтахти Теҳрон шаҳрида ўзбек кураши бўйича ўтказилган Пурёвалий III халқаро турнирида Хитой, Озарбойжон, Арманистон, Покистон ҳамда Тожикистондан келган полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқди.

Беш вазн тоифасида ўтказилган турнирда 66 килограмм вазнли полвонлар ўртасида хитойлик Доншен Ма финалда эронлик Вагихеги Меҳдини енгиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Вазни 73 килограммгача бўлган курашчиларнинг финал баҳсида эронлик Ҳамза Ҳайдарий хитойлик Зманг Гуайни мағлуб этди. 81 килограммли полвонларнинг сўнгги учрашувида мезбонларнинг икки вакили - Носир Акбарий ва Али Акбарий беллашди. Рақибини енгган Носир Акбарий мусобақа чемпиони бўлди.

Халқаро турнирнинг энг қизиқарли беллашувлари оғир вазнли полвонлар баҳсида кузатилди. 90 килограмм тош босадиган курашчилар ўртасида озарбойжонлик Рамин Анатовга тенг келадиганни топилмади. У энг муҳим баҳсда хитойлик Дай Де Ки устидан зафар қучиб, юртига олтин медаль билан қайтди. Вазни 90 килограммдан оғир полвонлар ўртасида эронлик Саид Хусравийнажод ҳамюрти Анан Форуш Мосни енгиб, бош соврин эгаси бўлди.

**(ЎзА)**

*Оролбўйидан мактублар*

***Вазирлар Маҳкамасининг Қўнғирот сода заводи қурилишини тугаллаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан сўнг Хитойнинг «Ситик» компанияси билан қиймати 32,3 миллион АҚШ долларидан иборат техник ускуналаш лойиҳасини амалга оширишга киришилди. 16 миллион долларлик хорижий асбоб-ускуналар келтириб, ўрнатилди.***

# ЧЎЛГА ОҚШОМ ҚЎНГАНДА

Барханлар орасида аср қурилиши ҳисобланган сода заводи бунёд этилаяпти. Юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганларидек, «Бу улкан мажмуа юртимизда амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, бутун мамлакатимиз саноати учун ўта муҳим аҳамият касб этади».

10 минг киши яшашига мўлжалланган Элобод шаҳарчаси ям-яшил дарахтлар билан ўраб олинган. Ҳар бири 96 ўринли 6 та ётоқхона, 20 га яқин кўп қаватли турар-жой, 250 ўринли ошхона, 50 ўринли кафе, 90 ўринли болалар боғчаси, 300 томошабинга мўлжалланган маданият саройи, даволаш-профилактика маркази, савдо дўконлари, новвойхона, ҳаммом, почта-алоқа бўлими каби маданий-маиший тармоқлар ишлаб турибди. Қарийб 20 гектарлик майдон кўкаламзорлаштирилиб, боғ барпо этилди.

Айни пайтда умумий лойиҳа қиймати 250 миллион АҚШ долларига тенг бўлган улкан корхона қурилиши тобора жадаллашмоқда.

Қурилиш майдонида кальций ишлаб чиқариш бўлимининг катта устаси Озод Қурбонбоевни учратиб қолдик. Бундан йигирма йил муқаддам Пенза шаҳридаги политехника институти инженер-механика факультетини битирган тажрибали мутахассис катта ҳаёт йўлини босиб ўтган. Хитойдаги кальцийлаштирилган сода тайёрлайдиган «Цзи Ланьтан», «Лань Юньган», «Тян шань» заводларида малака ошириб қайтган.

Озод оғанинг шогирдлари анчагина. Тошкент кимё-технология институтини муваффақиятли тугаллаган Миралишер Оллониёзовнинг диплом иши сода ишлаб чиқаришга бағишланган.

– Кальцийли сода халқ хўжалигининг 199 соҳасида қўлланилади, - дейди ёш мутахассис биз билан суҳбатда. – Айниқса, шиша, резина, металлургия, тўқимачилик саноатида, тиббиётда кўп ишлатилади.

Юртбошимиз жорий йилнинг 13 апрелида Қўнғирот сода заводини аниқ мақсадли кадрлар билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу муҳим ҳужжатга кўра 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб корхона ҳузурида Тошкент кимё-технология институтининг сиртқи бўлими фаолият кўрсатади. Ўқув юртига ҳар йили давлат грантлари асосида заводда ишлайдиган ўрта-махсус маълумотли 65 нафар ёшлар қабул қилинади. Шуниси эътиборга лойиқки, улар кириш имтиҳонлари топширишдан озод қилинганлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси Қорақалпоғистондаги касб-ҳунар коллежлари ҳузурида ташкил этилган икки ойлик махсус курсларда 564 нафар малакали ишчини тайёргарликдан ўтказади. Бунинг учун вазирлик томонидан 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

Айни пайтда тест синовлари ва тайёргарликлардан ўтган, сертификат олган мутахассислардан 250 нафари ишга қабул қилинди.

... Чўлга оқшом чўкди. Ойдин ва фараҳли кечалар нақадар гаштли. Само бағридан тўлин ой ўн саккиз ёшли малак сингари баҳри муҳитга зиё таратади. Маданият саройида ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ тилларида дилрабо куй-қўшиқлар янграйди...

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Спорт оламида*

## 2012 ЙИЛГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ШАҲАРНИ ТАНЛАШ КАМПАНИЯСИ ФИНИШ ОЛДИ ЙЎЛКАСИГА ЧИҚДИ

2012 йилги Олимпиада ўйинларини ўзида ўтказиш учун Париж, Лондон, Мадрид, Нью-Йорк ва Москва шаҳарлари курашмоқда.

"Париж-2012" ташкилий қўмитасининг Лондонда бўлиб ўтган матбуот анжуманида таъкидланганидек, Париждаги "Стад де Франс" стадиони енгил атлетика мусобақаларини ўтказиш учун ярамайди деб қилинган аризага парижликлар расмий тарзда қарши ариза бермоқчи эмаслар. Ҳақиқатда ҳам улар Халқаро Олимпия Қўмитасига топширган аризаларида бу стадион муҳим ўрин эгаллаган. "Стад де Франс" стадиони енгил атлетика мусобақаларини ўтказиш учун муносиб эмас, деб Сидней Олимпиадасини ташкил этган Джим Сломан ва архитектор Род Шерд фикр билдирганлар. Халқаро Олимпия Қўмитаси қоидаларига биноан даъвогар шаҳарлар планларини бир-бирлари танқид қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Франция Президенти Жак Ширак Париж аризасини финал қисмда тақдим қилишда муҳим рол ўйнайди. Овоз бериш ўтказилгандан сўнг Шотландияга йўл олади. Москвани Сингапурда Россия бош вазири Михаил Фрадков, собиқ Олимпия чемпионлари — теннисчи Евгений Кафелников, гимнастикачи Алексей Немов, сузувчи Александр Попов, фигурали учиш бўйича уч карра олимпия чемпиони Ирина Роднина лар ташвиқот қиладилар. Даъвогар шаҳарларни қўллаб-қувватловчи асосий гуруҳлар Сингапурга душанба куни етиб келдилар. Халқаро Олимпия Қўмитасининг 117 сессияси кеча сешанба куни очилди.

Бугун барча даъвогар шаҳарлар 45 дақиқалик тақдимот аризаларини Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзоларига тақдим этадилар. Қўмита баҳолаш комиссиясининг якуний маърузасини тинглагач, овозларни ҳисоблашга ўтилади ва натижалар эълон қилинади.

*Шоҳмот*

## ЛИВИУ-ДИТЕР НИСИПЯНУ ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ

Польша пойтахти Варшавада эркаклар ўртасида шоҳмот бўйича шахсий Европа чемпионати ниҳоясига етди. Руминиялик шоҳмотчи Ливиу-Дитер Нисипяну сўнгги турда словениялик Александр Белявскийни мағлуб этди ва Европа чемпиони унвонини қўлга киритди. Озарбайжонлик Теймураз Ражабов чемпиондан ярим очко орқада қолиб иккинчи ўринни эгаллади. Қўшимча баҳслар натижасига кўра арманистонлик Левон Аронян бронза медалига сазовор бўлди.

Нисипяну ФИДЕнинг жаҳон чемпионатига тайёргарлик ўрнида икки йилда бир ўтказиладиган шоҳмот бўйича шахсий Европа чемпионати тарихида олтинчи чемпион бўлди.

*Велопойга*

## "ТУР ДЕ ФРАНС" КЎП КУНЛИК ВЕЛОПОЙГА СТАРТ ОЛДИ

Францияда энг нуфузли "Тур де Франс" кўп кунлик велопойга мусобақалари йўлга чиқди. Америкалик велопойгачи Лэнс Армстронг бу пойгада кетма-кет олти марта ғолиб чиққан. Бу сафар еттинчи марта ғолиблик учун ҳаракат қилишини маълум қилган эди.

"Дискавери Ченнел" жамоаси номидан иштирок этаётган спортчи биринчи босқичдаги 19 километрли алоҳида пойгада ғалаба қозонишга яқин эди. Армстронгга ғолиб чиқиш учун икки сония етмай қолди. Даниянинг "CSC" жамоаси номидан қатнашаётган ҳамюрти Дэвид Забриски финиш чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтди. Дэвид 20 дақиқаю 51 сония натижа кўрсатди. Учинчи ўринни "Т-Мобайл" немис велогуруҳи вакили қозоғистонлик Александр Винокуров эгаллади. У пешқадамдан 53 сония ортда қолди.

**Т. ЮСУПОВ тайёрлади**

*Ғалла ўрим-йиғин ишлари қизғин давом этаётган айни паллада «Тошкентдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Чиноз дон қабул қилиш шоҳобчасида ишлар бир маромда олиб борилмоқда. Боиси, шоҳобчада мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳар қачонгидан-да пухта тайёргарлик кўрилди. Мавсумда ишловчилар учун бепул иссиқ овқат берherилияпти. Шунингдек, улар махсус кийим-бошлар билан тўла таъминланган. Бу ўз навбатида иш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу йил 15 минг 167 тонна дон қабул қилишни режалаштиришган чинозликлар ҳозиргача 10 минг тоннадан зиёдроқ сара дон жамғаришга эришдилар.*





**Суратларда: техник-технолог Гулноза Қўчқорова; лаборатория ходимлари Алишер Файзуллаев ва Равшан Хонхўжаев.**

# «ОФТОБЧА»ГА ГАП ЙЎҚ

***Наманган вилоятида болалар оромгоҳлари кўп. Уларда ҳар йили болалар ёзги таътилларини кўнгилли ўтказадилар. Ана шулардан бири "Офтобча"-дир.***

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ушбу дам олиш маскани таърифига сўз ожиз. Аввало, шундоқ қўл узатсангиз етгудек жойда булутларни қучган осмонўпар тоғлар жойлашган. Оромгоҳ эса ана шу тоғ чўққиларидаги кумушсимон ялтираган қорлардан эриб, ҳосил бўлган Чодаксой қирғоғида жойлашган. Бу ердаги дов-дарахтлар ҳам тоғ ҳавоси ва табиатига хос, хилма-хил.

Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Кенгаши мутахассиси Тўхтаназар Назаров билан оромгоҳни айланарканмиз, бу ерда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар билан бирма-бир танишдик. Ҳордиқ чиқарувчилар учун қурилган сунъий кўл доимо гавжум. Чўмилиш тарбиячилар раҳбарлигида шифокорлар томонидан белгиланган кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

*Ёзнинг ўз гашти бор*

Оромгоҳда фаолият кўрсатаётган ёзги кинотеатр ҳам бизда илиқ таассурот қолдирди. Нега десангиз, бошқа оромгоҳларда махсус кинотеатр кам учрайди. Бунинг яна бир қулай томони шундаки, бу ерда вақти-вақти билан вилоят ва туманнинг таниқли кишилари, меҳнат ва уруш фахрийлари билан учрашувлар ўтказиб борилади. Баъзан вилоят театри артистлари ташриф буюришади. Наманган ва Поп шаҳарларидаги қўғирчоқ театрларининг чиқишлари ташкил этилади.

Ошхонада озодалик, саранжом-саришталик ҳамиша ҳукмрон. Болаларнинг айтишларича, ошпаз Ҳамиджон Ҳакимов тайёрлаётган овқатлар жуда ширин.

- Болаларни жисмоний чиниқтириб боришга ҳамиша катта эътибор берилади, - дейди оромгоҳ раҳбари Муҳаммаджон Мамажонов. - Спорт йўриқчимиз Равшан Саримсоқов бу масалада талабчан ва қаттиққўл. Эрталабки бадантарбиядан ташқари куннинг маълум соатларида спортнинг турли соҳалари бўйича мусобақалар, беллашувлар ўтказиш одат тусига кириб қолган. Гуруҳлар ўртасида беллашувлар ўтказилишидан ташқари шахсий биринчиликлар ҳам уюштирилади. Ғолиблар оромгоҳ маъмуриятининг эсдалик совғалари билан мукофотланади.

Оромгоҳда турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Уларда болалар ўзларини қизиқтирган соҳалар бўйича билим ва малакаларини оширадилар. Хуллас, ўқувчилар бу ерда таътилларини соз ўтказиб, янги ўқув йилига янги куч-ғайрат тўплашмоқда.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**"Ишонч" мухбири**



Қува туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли марказий кутубхона жамоаси китобхонлар талаби даражасида ишлаш, уларнинг маданий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

Зиё маскани эллик мингдан зиёд китоб фондига эга. Бу ерда ўқув заллари, китоб сақлаш хоналари озода ва шинам, зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Кутубхона ҳамиша ўз ўқувчилари билан гавжум. Турли учрашув, тадбир ва ижодкорлар таваллуд кунларига бағишланган кечаларнинг тез-тез ўтказилиши кутубхоначилар саъй-ҳаракати самарасидир.

***Суратда: кутубхоначи Раъноҳон Ибрагимова.***

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган сурат**


# «SAHOVAT-NON»

**очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!**

«SAHOVAT-NON» очиқ акционерлик жамиятининг биносида 2005 йил 8 август, душанба куни соат 10.00. да акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтади.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқини берувчи акциядорлар рўйхати 2005 йил 5 июл куни ёпилди.

**Кун тартиби:**

1.Очиқ акционерлик жамиятини Масъулияти чекланган жамиятга ўтказиш ҳақида.


## НАВБАТДАГИ ИЖОДИЙ САФАР

***Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри халқаро санъат фестивалларида фаол қатнашиб келмоқда. Грецияда ўтказиладиган навбатдаги халқаро мусиқа кўригида ҳам улар ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этиш тараддудини кўришмоқда.***

Бу сафарги чет эл гастролига «Хумо» балетини олиб бориш режалаштирилмоқда.

Мазкур жозибадор балет асари театрнинг бу йилги репертуаридан ўрин олган энг яхши постановка ҳисобланади.

**А.АЛИЕВ**


# Вниманию акционеров ОАО "GAZAVTOMATIKA"

**Внеочередное Общее собрание акционеров состоится 12 августа 2005 года в 10.00 часов утра на 4 этаже административного здания по адресу: г.Ташкент, Чиланзар, 20 квартал, а/я 1361**

**Повестка дня:**
**1. Увеличение уставного фонда ОАО "GAZAVTOMATIKA".**

С информацией, подлежащей представлению акционерам при подготовке к проведению внеочередного Общего собрания акционеров, акционеры могут ознакомиться в обществе по указанному адресу.

Регистрация акционеров проводится с 9.00 до 9.40 часов, акционерам иметь при себе паспорт, а представителям акционеров - паспорт и доверенность, заверенную нотариально.

Наблюдательный совет ОАО "GAZAVTOMATIKA".

**ИНФОРМАЦИЯ**
**о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ОАО "GAZAVTOMATIKA"**
**Порядковый номер сообщения-07.**
**Наступление даты закрытия реестра**

**дата принятия эмитентом решения о дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг** – 4 июля 2005 года.

**дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг** - 12 июля 2005 года.

**Порядковый номер сообщения-09.**
**Решение общего собрания акционеров.**

**Вид общего собрания:** годовое.

**Форма проведения общего собрания** очная.

**Дата проведения общего собрания** 30 июня 2005 года.

**Место проведения общего собрания:** г. Ташкент, Чиланзар, 20 квартал, а/я 1361

**Кворум общего собрания**: 86,9 %, в собрании приняли участие акционеры и их полномочные представители, обладающие в совокупности 49 071 голосов из общего количества голосов –56 500.

**Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:**

1.Информация внешнего управляющего за период внешнего управления.
(проголосовали: **за** – 49 071 голосов или 100 %, против - нет, возд. -нет).

2. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2004 год.
(проголосовали: **за** – 49 071 голосов или 100 %, против - нет, возд. -нет).

3. Утверждение годового бизнес-плана на 2005 год.
(проголосовали: **за** – 46 197 голосов или 94,1 %, против -10 голосов, возд.- 2 864 голоса).

4. Утверждение решения о проведении аудиторской проверки за 2005 год, аудиторской организации и предельного размера оплаты ее услуг за 2005 год.
(проголосовали: **за** – 49 032 голосов или 99,9 %, против – 39 голосов, возд. – нет).

5. Увеличение уставного фонда общества
(проголосовали: **за** – нет или 0 %, против – 157 голосов , возд. – 48 914 голосов).

6. Утверждение Устава ОАО "GAZAVTOMATIKA" в новой редакции.
(проголосовали: **за** – 49 052 голосов или 99,9 %, против - нет, возд. – 19 голосов).

7. Утверждение Положений ОАО "GAZAVTOMATIKA" "Об общем собрании акционеров", "О наблюдательном совете", "Об исполнительном органе", "О ревизионной комиссии".
(проголосовали: **за** – 49 071 голосов или 100 %, против - нет, возд. - нет).

8. Выборы Наблюдательного совета:
1. Бекбаев Баходир Габидуллаевич - 76 325 голосов
2. Литвак Сергей Григорьевич - 56 942 голосов
3. Маннанов Абдухаким Жалилович - 28 880 голосов
4. Мухамеджанов Муроджон Абдуганиевич - 106 998 голосов
5. Рахматуллаев Рифкат Зиядуллаевич - 108 голосов
6. Усманов Жура Эргашевич - 76 455 голосов
7. Файзиев Хомидхон Мусаханович - 47 861 голосов
8. Файзиев Эркинжон Хамидханович - 47 829 голосов
9. Юсупов Газиз Рауфович - 241 голосов

9. Избрание директора ОАО "GAZAVTOMATIKA"
(проголосовали: **за** – 49 071 голосов или 100 %, против - нет, возд. -нет).

10. Выборы ревизионной комиссии:
1. Мусаев Обиджон Иброхимович
(проголосовали: **за** – 45 637 голосов или 99,9 %, против – 22 голоса, возд. – 10 голосов).
2. Мусаев Ботир Обиджонович
(проголосовали: **за** – 45 647 голосов или 99,9 %, против – 12 голосов, возд. – 10 голосов).
3. Забиходжаев Рамизулло Насырович
((проголосовали: **за** – 45 659 голосов или 99,9 %, против – нет, возд. – 10 голосов).

**Полные формулировки решений, принятых общим собранием.**

**По первому вопросу**: Принять к сведению отчет внешнего управляющего за период внешнего управления.

**По второму вопросу**: Утвердить бухгалтерский баланс, счета прибылей и убытков за 2004 год.

**По третьему вопросу**: Утвердить годовой бизнес-план на 2005 год.

**По четвертому вопросу**: Утвердить решение о проведении аудиторской проверки за 2005 год ОАО "GAZAVTOMATIKA" аудиторской организацией "FTF-AUDIT" и установить предельный размер оплаты ее услуг за 2005 год в размере 800,0 тыс.сум.

**По пятому вопросу**: Не увеличивать уставный фонд общества.

**По шестому вопросу**: Утвердить Устав ОАО "GAZAVTOMATIKA" в новой редакции.

**По седьмому вопросу**: Утвердить Положения ОАО "GAZAVTOMATIKA": "Об общем собрании акционеров", "О наблюдательном совете", "Об исполнительном органе", "О ревизионной комиссии".

**По восьмому вопросу**: Считать избранными в состав Наблюдательного совета:
1. Бекбаев Баходир Габидуллаевич
2. Литвак Сергей Григорьевич
3. Мухамеджанов Муроджон Абдуганиевич
4. Усманов Жура Эргашевич
5. Файзиев Хомидхон Мусаханович

**По девятому вопросу**: Избрать Генеральным директором ОАО "GAZAVTOMATIKA" Исмаилова Б.У. сроком на 1 год.

**По десятому вопросу**: Считать избранными в состав ревизионной комиссии:
1. Мусаев Обиджон Иброхимович
2. Мусаев Ботир Обиджонович
3. Забиходжаев Рамизулло Насырович

Протокол годового общего собрания акционеров составлен и подписан 5 июля 2005 года.

**Список аффилированных лиц ОАО «GAZAVTOMATIKA» по состоянию на 30.06.2005 года.**

**Юридические лица:**

| № п/п | Полное наименование | Организационно – правовая форма | Место нахождения и почтовый адрес | Основание, по которому они являются аффилированными лицами | Дата, с которой Лицо является аффилированным. | Принадлежащие им количество и % голос. акций. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Госкомимущество Республики Узбекистан | | 700003, г.Ташкент, пр-т Узбекистанский 55 | Договор о возврате акций от «Узкоммунхизмат» | 26.05.2005 г. | 15 820 акций или 28% |
| 2. | ООО «Deutsche-Servis» | Общество с ограниченной ответственностью | г.Ташкент, ул.Дагестанская, д. 58, кв. 1 | Договор купли-продажи ценных бумаг | 27.10.2003 г. | 26 555 акций или 47 % |
| 3. | ОАО «Узкоммунмаштаъминот» | Открытое акционерное общество | г.Ташкент, ул. Ниязбек йули, 1 | Договор купли-продажи ценных бумаг | 06.09.1995 | 2 825 акций или 5 % |

**Физические лица:**

| № п/п | Фамилия, имя, отчество. | Должность | Занимаемая должность в органах управления ОАО GAZAVTOMATIKA | Основание по которому они являются аффилированными лицами | Дата, с которой они являются аффилированными лицами | Принадлежащие им кол-во и % голос. акций |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бекбаев Баходир Габидуллаевич | Архитектор ООО «Deutsche-Servis» | Член Наблюдательного совета | Решение общего собрания акционеров, протокол №1 | 30.06.2005 г. | нет |
| 2. | Литвак Сергей Григорьевич | Председатель Правления ОАО «Узкоммунмаштаъминот» | Член Наблюдательного Совета | Решение общего собрания акционеров, протокол №1 | 30.06.2005 г. | нет |
| 3. | Мухамеджанов Муроджон Абдуганиевич | Директор ООО «Вокруг света» | Член Наблюдательного Совета | Решение общего собрания акционеров, протокол №1 | 30.06.2005 г. | 3 402 акции или 6 % |
| 4. | Усманов Жура Эргашевич | Специалист по ценным бумагам ООО «Deutsche-Servis» | Председатель Наблюдательного Совета | Решение общего собрания акционеров, протокол №1 | 30.06.2005 г. | нет |
| 5. | Файзиев Хомидхон Мусаханович | Зам.декана факультета ПГС Архитектурно-строительного института | Член Наблюдательного Совета | Решение общего собрания акционеров, протокол №1 | 30.06.2005 г. | нет |
| 6. | Исмаилов Ботир Усманалиевич | Генеральный директор ОАО «GAZAVTOMATIKA» | Единоличный исполнительный Орган | Решение общего собрания акционеров, протокол № 1 | 30.06.2005 г. | нет |



Куни кеча 2-Тошкент юридик коллежида ўқишни муваффақиятли тамомлаган талабаларнинг битирув оқшоми бўлиб ўтди. Бу йил билим даргоҳида 9-синф негизида ўқишга қабул қилинган 625 нафар ҳамда 11-синфни тугатиб талаба бўлган 81 нафар ёшлар 4 йўналиш бўйича мутахассисликка эга бўлишди. Улардан қарийб 50 нафари имтиёзли дипломни қўлга киритди. Битирувчи йигит-қизларнинг қувончи чексиз. Энди ҳар бири эгаллашни дилига туккан севган касби бўйича ишга кириб, эл корига ярайди. Қолаверса, ҳуқуқий жамият барпо этишдек эзгу ниятни амалга оширишда уларнинг хизмати катта бўлиши шубҳасиз.

***Суратларда: маросимдан лавҳалар.***

***И.ҲАСАНОВ олган суратлар***



## *Ватан остонадан бошланади*

***Шофиркон туманидаги "Саврак" маҳалла фуқаролар йиғинида халқ фаровонлигини ошириш, эл осойишталигини таъминлаш, қўшимча иш ўринларини яратиш борасида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.***

# МАҲАЛЛА ТАШАББУСИ БИЛАН

Туман марказининг шундоққина биқинида жойлашган маҳалла обод ва кўркам масканга айланган. Маҳалла ҳудудидан оқиб ўтувчи "Султонробот" ва "Хўжаориф" ариғи теварак-атрофга ажиб кўрк ва салқинлик бағишлайди. Яқинда ана шу икки ариқ туташувчи сўлим масканда саховатпеша инсон, туман "Маҳалла" жамғармаси раиси Ботир Олимов ташаббуси билан ажойиб дам олиш маскани ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу маскан нафақат маҳалла аҳли, балки туман аҳолисининг маданият марказига айланган. Бу ерда турли тадбирлар, кўнгил очар кечалар, учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Яқинда бу ерда маҳалла ва туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Тадбиркор оила - фаровон оила" мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Унда маҳалладаги тадбиркор, ҳунарманд аёллар қатори эл орасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган нуроний онахонлар, файзли оила соҳибалари ҳам иштирок этдилар.

- Маҳалламизда қанча оила бўлса уларнинг ўз анъаналари, урф-одатлари, ахлоқий-маънавий қадриятлари бор, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўймурод Мўминов. - Бошқача айтганда, бу оилаларнинг ҳар бири инсонга нур, меҳр берувчи офтобга ўхшайди. Оиланинг қуёши эса аёл. Унинг тадбиркорлиги оила фаровонлигини таъминлайди. Эркак ботмонлаб топиб келган билан аёл тежамкор, ишнинг кўзини биладиган бўлмаса, бундай оилада ҳаловат бўлмайди. Маҳалламиздаги барча оилалар эса эътиборимизда. Уларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъулиятли деб биламиз. Бугунги кунда 20 нафардан ортиқ тадбиркор аёлларимиз бор. Улар ўз оилалари иқтисодини кўтариш билан бирга қўни-қўшниларни ҳам иш билан таъминлаш, ёшларга касб-ҳунар ўргатишда бош-қош бўлмоқдалар. Қарангки, Фарғона водийсидан келиб тадбиркорлар бизнинг ҳунармандлардан зардўзлик, кашта тикиш сирлари билан бирга толдан турли хил саватлар тўқишни ҳам ўрганиб кетаётгани қувончли ҳолдир.

Маҳаллада амалга оширилаётган эзгу ишлар "Соғлом оила - соғлом жамият" тамойили асосида ташкил этилган бўлиб, комил инсонни тарбиялаш унинг асосий мезони ҳисобланади. Қолаверса, барча яхши хислатлар соғлом турмуш тарзи туфайли юзага келади. Бундай яхши фазилатлар манбаи эса фаровон оилада шаклланади. Оиланинг маънавий юксалиши эса аёлларнинг уқуви, саъи-ҳаракатлари, энг муҳими ишчанлигига боғлиқ. Соғлом ва ақли расо аёл тарбиясини олган бола ҳамиша яхшиларга ҳамроҳ бўлади, ёт таъсирларга берилмайди, ҳар кимнинг етагига юравермайди.

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида, маҳаллада кўплаб ишлар амалга оширилди. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Фуқаролар йиғини туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Тадбиркор аёллар" уюшмаси билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширмоқда. Хотин-қизлар ўртасида "Оналик ва болалик муҳофазаси - баркамол авлод пойдевори", "Сариштали уй - фариштали уй", "Огоҳлик - давр талаби", "Соғлом авлод - юрт таянчи", "Оилада бола тарбияси" мавзуларида мулоқотлар ўтказилди. Шунингдек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида сўнгги бир йилда 50 нафарга яқин аёллар касбга йўналтирилди. Ўнлаб ёш қизлар қисқа муддатли курсларда ўқитилиб, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар орқали имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашишди.

- "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурининг бажарилиши, айниқса "Саврак" маҳалла фуқаролар йиғинида қатъий назорат ва катта ташкилотчилик асосида олиб борилмоқда, - дейди маҳалла оқсоқолларидан бири Мўмин Ҳамидов. - Маҳалла йиғинида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз қарияларга меҳр-саховат кўрсатиш анъанага айланган. Улар нафақат байрамларда, балки ҳар кун маҳалла фаолларининг диққат-эътиборида бўлишади. Бу эзгу ишда маҳалламиз фаоллари ҳамиша камарбаста. Улар кўнгли ўксик, ногиронлар ҳолидан хабар олиш билан бирга, бу савоб ишга тадбиркорларни ҳам жалб этади. Яқинда уларнинг бевосита саъи-ҳаракати билан туман кўзи ожизлар жамиятига маҳалла тадбиркорларининг хайрия совғалари инъом этилди.

Яхшилик яхшиликдан куч олгани каби, меҳр-саховатдан кўнгли ўксик, ногиронлар хонадони нурафшон бўлади, диллар мурувват офтобидан баҳра олади. Бундай маҳаллаларда эса меҳр нур бўлиб, қалбларни қалбга боғлайди, саховат мадад бўлиб одамларни сафга қўшади.

Ватан эса ана шундай яхшилар, саховатпеша тадбиркорлар яшайдиган меҳр-мурувват гўшаларидан бошланади. Юртимиздаги минглаб маҳаллалар қатори бугун "Саврак" маҳалла йиғини ҳудудида ҳам энг азиз ва энг улуғ байрамимиз - Мустақилликнинг 14 йиллигига тараддуд бошлаб юборилган. 50 га яқин савраклик тадбиркорларининг барчаси бу байрамга ўз совғаси билан келиши, шубҳасиз.

**А. НАБИЕВА**

## *Ҳикматлар дурдонаси*

# БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

**Тўрт нарсани қайтариб бўлмайди: айтилган сўзни, ўтган ишни, отилган ўқни, кечган умрни.**

* * *

*Одамийлик уч нарсада намоён бўлади: Оллоҳ берган умрга шукроналик, инсонийлик шартларини адо этмак, бировнинг дилига озор беришдан сақланиш.*

* * *

**Саховатни чеҳраси очиқ олижаноб одамлардан кутинг.**

* * *

Одамларга чиройли жавоб қайтариш ақлнинг ярмиси, чиройли савол бериш илмнинг ярмиси, чиройли тадбир саховатнинг ярмиси.

* * *

**Жаҳолат тўрт ишда кўринади: амалсиз сўзда, натижасиз ишда, ўринсиз хусуматда, ёқимсиз гўзалликда.**

* * *

*Амаллар икки хил бўлади: натижаси яхшилик билан тугайдиган амал - унга эргаш, охири вой бўладиган амал - ундан қоч.*

**Д.ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади**

## *Футбол-тест*

# КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**1. Машҳур «Сан-Сиро» стадионига қанча томошабин сиғади?**

A) 85.700
B) 100.000
C) 65.000
D) 92.000

**2. Миллий терма жамоамиз энг кўп қайси юрт футболчилари билан учрашган?**

A) Ироқ м.т.ж
B) Тожикистон м.т.ж
C) Туркманистон м.т.ж
D) Озарбайжон м.т.ж

**3. Футбол дарбозалари ҳажми қандай бўлишини биласизми?**

A) 7,32 м х 2,44 м
B) 7 м х 2 м
C) 7,5 м х 2,5 м
D) 7,62 м х 2, 44 м

**4. Жаҳон футболи тарихида бир футболчи турли йилларда Чехословакия (собиқ), Венгрия ва Испания терма жамоаларида тўп сурган. Унинг кимлигини топишга уриниб кўринг.**

A) Ференц Пушкаш
B) Ладислав Кубала
C) Алфредо ди Стефано
D) Франц Вальтер

**5. Европа чемпионлари кубоги мусобақасига нечанчи йили асос солинган?**

A) 1901 йилда
B) 1952 йилда
C) 1966 йилда
D) 1955 йилда

**6. Жаҳоннинг энг «кекса» футбол клуби қайси ва у қачон ташкил қилинган?**

A) «Ноттс Каунти» (Англия), 1862 йилда
B) «Химнасия Ла Плата» (Аргентина), 1857 йилда
C) «Николаев» (Украина), 1820 йилда
Д) «Ноттингем Форест» (Англия), 1865 йилда

## *Одам борки...*

***"Сен етим эмассан" бадиий фильмини кўпчилигимиз мириқиб томоша қилганмиз. Фильмнинг бош қаҳрамонлари иккинчи жаҳон уруши даврида етим қолган 10 дан ортиқ болани ўз бағрига олган тошкентлик Шоаҳмедовлар оиласи экани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Саҳийқалб, меҳридарё ўзбек диёрида бундай олижаноб, саховатпеша инсонлар, эзгу иш давомчилари айни кунда ҳам кўплаб топилади.***

# РОҲИЛА ОПА ХОНАДОНИ

## 11 нафар болага жой берди

Бухоролик Муҳаммадиевлар оиласи ана шундай саховатпешалардан. Бу хонадон шариф шаҳарда "Меҳр-оқибат даргоҳи" сифатида таърифланади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, Мўминжон Комилов турмуш ўртоғи Роҳилахон Муҳаммадиева билан биргаликда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида кўзи ожизлар мактаб-интернатида сидқидилдан ишлаб, 4 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Уларнинг ҳар бири ҳавас қилса арзигудек хонадон соҳибию соҳибалари бўлишди. Бу албатта, ҳар бир ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи-да дерсиз. Ҳа, улардаги одамийлик, инсоний фазилатлар 1991 йилда ота-онасидан етим қолган бир оиланинг 5 нафар фарзандини ўз қарамоғига олишганида намоён бўлди. Ўша пайтда болаларнинг каттаси Муҳаббатхон эндигина 7 ёшда, кичиги ҳали бир ёшни ҳам тўлдирмаган эди. Болаларнинг янги оилага мослашиши, беором тунлар, ўксик қалбларга малҳам бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бундан ташқари, уларнинг устини бутлаш, едириб-ичириш дегандек... Ана шундай кунларда Роҳилахоннинг зардўзлик, каштачилик сирларини мукаммал билгани қўл келди. Ҳунари билан рўзғорга барака киритди. Қолаверса, болаларига ҳам бу ҳунарни ўргатди.

Она бўлиш бахт. Она бўлиш шараф. Балоғатга етган Муҳаббатхоннинг бахт тўйида Роҳилахон аянинг кўзларида бахтиёрлик ёшлари қалқди. Дарвоқе, 1992 йил улар оиласига ака-ука Жаҳонгир ва Баҳриллолар келиб қўшилган бўлса, 1996 йилда эндигина туғилган Акмалжонни ўз қарамоғларига олишди. Шу орада хонадон аъзолари сони ота-онасиз қолган уч нафар эгизак - Гулнора, Дилноза, Дилдоралар ҳисобига кўпайди. Ҳаёт синовлардан иборат. Тақдир бундан 3 йил бурун опанинг суянгани, таянгани, меҳрибони Мўминжон акадан жудо қилди. Оғир дамларда унга 4 фарзанди қатори 11 нафар асраб олган болалари қанот, юрагига малҳам бўлишди. Болалар бир-бирига эргашиб ўсишди.

- Мен бу йил 20 ёшга тўлдим. Ҳозир Бухоро касб-ҳунар коллежи талабасиман, - дейди Бобомурод. - Муштипар онам бағрига келганимда 5 яшар бола эканман. Етимлигимни билдирмай, тарбияладилар. Дунёда шундай меҳрибон, тенгсиз онам борлигидан фахрланаман. Онажоним ҳар куни, ҳар лаҳза қувончу ташвишларимга шерик. Мен учун ўзини ўтга, сувга уришга тайёр.

Бухоро шаҳрининг Ҳилолий даҳаси Бухоро кўчасидаги Муҳаммадиевлар хонадони ҳамиша одамлар билан гавжум. Бу даргоҳга кимдир табаррук онахонни зиёрат қилиш, ундан маслаҳат олиш учун келса, бошқа биров бу ерга саховат ёрдами кўрсатиш истаги билан келади.

Яхшилик яхшиликка йўл очади, меҳр-оқибат, саховат теграсида етим болалар Роҳила опа кўмагида улғаяди. Онахон эса уларнинг орзу-ниятларига етишиши учун ҳамиша масъул.

- Дунёда бола қувончидан ҳам азиз нарса борми? Болаларим қувончим, суянган тоғим, - дейди у. - Уларнинг 6 нафари ўғил, 5 нафари қиз. Биргина Муҳаббатхонни уйли-жойли қилдим. Қолганларини ҳам ўқитиш, уй-жойли қилиш керак. Токи, ҳеч бири бошқалардан кам бўлиб ўксимасин.

Роҳила опадек болажон, меҳрибон, саховатпеша инсонлар бор экан, яхшилик, меҳр-оқибат улар тимсолида оламни зиёга тўлдириб бораверади.

**С.АЪЗАМОВА, "Ишонч" мухбири**

# МУНОЖОТ

## ҲИКОЯ

Азалдан шундай: кексалар тасаллими, панд-насиҳатми қилмоқчи бўлсалар, кўпинча "киши агар ўз тақдирида битилганларни олдиндан билса, ақлдан озиши ҳеч нарса эмас" дейишади. Бу - уларнинг Инсон ва у яшаб турган оламнинг тузилмасига оид ишончими ёхуд Инсон қисматининг айнан шундай қурилганлиги ёки шунчаки ўзларининг ота-боболаридан эшитган-билганларининг ғайри-шуурий такрорими - ҳеч ким билмайди. Агар Муножотга ҳам кимдир-биров бундан ўн етти йил муқаддам "эринг арзимас баҳона билан сени ташлаб, бошқа биттасининг этагини тутиб кетади" дегудай бўлса, ўлсаям ишонмасди. Ахир, бу - Лайлию, у - Мажнун; бу - Кумушу, у - Отабек эмасмиди? Ҳовлиларининг орқасидан бошланиб, нақ Зарафшоннинг этагигача чўзилган боғда биров кўриб қолади демасдан бағрига қаттиқ-қаттиқ босганлари, айнан шулар икковининг кўксига сиғмасдан яшил қобиғини ёриб чиққан гул каби очилган бокира туйғуларни муборакбод этиш учун ерга гиламдай тўшалган олма гулларини эзғиламаслик учун оёқ учида югуриб қувлашганлари, кеч кузнинг қуюқ хазонлари устига қулочларини кенг ёзганча ётволиб осмоннинг энг юксак гумбазларини-да титратгудек - тўнғиб бораётган оламни жонлантиришга қодир бир овоз билан "сени яхши кўрама-ан" дея ҳайқирганлари-чи? Мана шу боғнинг тили бўлса, айтсин... "Онанг менга бермаса, сени олиб қочаман" деганида ширин энтикканлари-чи? Мана шу йигитнинг ичкуёв бўлиб келгандан сўнг Муножот уйғонгунча бўлмай нонуштасиз барвақт ишга кетиб қолганлари-чи? Бариси сувдай оқди-кетди... Бариси тушдай ўтди-кетди... Ўшандан буён қанча баҳорлар келиб-кетди, қанча кузлар келиб-кетди...

Кузда Муножотнинг эри видеомагнитофон сотиб олди. "Қишда ишлар хотиржам, нимаям қилардик, мазза қилиб кўриб ётамизда" деди ўзи билан олиб келган устанинг гапига бепарво-беписандроқ оҳанг беришга уриниб. Уста видеокассетасиз ишни ўринлаштира билмас, отинг қурғур бу матаҳдан эса буларда биттаям йўғиди.

- Тўй-пўйми, туғилган кунми, дегандай, неваралар учун олиб қўймаган экансиз-да, ака?

Муножот ичида ададсиз бўшлиқ очилиб, унда улкан шамол бошлангандай ичи шувиллаб кетди, ғилтиллаб эрига қаради: назарида эрининг ҳамма ёғидан ҳовур чиқиб ётгандай, зумдан кейин повиллаб аланга олиб кетадигандай бўлди. Уста жончиқар жойдан олган эди: у булар икковининг ўн етти йилдан бери унисибунисига, буниси-унисига термулиб, ўзларининг пуштикамарида, эҳтимолки, умуман бўлмаган зурёдларига заминий исмларнинг бирортасини раво кўрмай, хаёлан хилма-хил исмлар ўйлаб чиқарганликларини, гоҳ эса тушларида ғайб пайғомларидан нажот излаганларини, гоҳ эса бир-бировларига бўридай тикилишиб, қузғундай чўққайишиб кун ўтказганликларини қаердан билсин?!

- Болаларнинг бирортасини чиқаринг, қўшни-пўшнидан олиб чиқсин.

- Мен ўзим...

Уста кетди-ю, уйга қўзғалмасдай бўлиб ўрнашган рутубат баттар оғирлашди. Муножот сўзсизликдан дилгир бўлиб, пиширган овқатини сузиб, дамлаган чойини совимасин учун ўраб қўйдида, телевизорга тикилди: аввалига бу ғаройиб тўртбурчак кўзгуга мушукдай термулиб тураверди, аммо салдан кейин узуқ-юлуқдай туюлган тасвирлар маъно касб эта бошлади; сўнг эса бирдан ўтирган жойида гавдаси билан олдинга ташланиб:

- Вой, бизани йигирма йиллик-ку! - деб юборди беихтиёр. Бутун вужуди кўзга айланиб яна ихтиёрсиз олдинга интилди.

Синфдошларнинг йигирма йилдан кейинги бу учрашуви шу йил - олмалар гулини тўккан айни баҳор кунларида хўжалик боғида бўлиб ўтган, учрашув хабари чиққанидан буён ғалати бўлиб, бориб-боргиси келмай юрган Муножот энг охирги лаҳзада мана шу кассетанинг эгаси - синфдоши бўлмиш қўшни аёлнинг қистови билан аниқ қарорга келган эди. Аммо... қайси кўйлагини кийиб боради? Унинг чиройли кўйлакларни тиктириб, кийиб, айни остонадан чиқиш онида уйга қайтиб кирганларига, пештахталардаги ҳар қандай аёлнинг кўзини ўйнатадиган матоларга узоқ термулиб, шу матодан олиш учун атайлаб бозорга тушгандай орқа-ўнгини ағдариб, кафти билан патлари "тўлқин"ини силаб, аммо минг бир хаёл билан бозордан қайтиб келганларига, гоҳо эса ичидаги умид-орзуларига эрк бериб, лекин биров изоҳ сўраб қолишидан қўрққандай сотиб олган матосини тез-тез ўраб тиқиб, бозордан узоқлашганларига қанча замонлар бўлганикин?.. Муножот ўтиришда кийиб келган кўйлагидан ҳам кўра тўла-тўқ аёлларга айланиб, тўкилиб турадиган кенг қилиб тиктирилган кўйлакларда ёйилиб ўтирган синфдош дугоналари олдида ўзини увоққина ҳис этиб қисилиб-қимтиниб турди.

Аммо бу ғурбатлар оламида ҳар биримизга аталган кун бор. Ҳар бир кишининг чекига муқаррар муҳрланган жамийки азоб-ҳасратлар ана шу бир куннинг саодатини ҳис этиш учундир. Биз шу кунни яшамасдан оламдан ўтмаймиз. Бу - бизга Инсон сифатида ато этилган бор қудратни ҳис этиш кунидир. Муножот бу гапларни ўзи кутубхоначилик қиладиган одмигина кутубхонасидаги китоблардан ўқиган. Бу даргоҳга уззукун деярли ҳеч ким келмайди. Муножот иш бошлаган дастлабки кунларда зерикканидан уни-буни варақлади; кейин эса куни билан китобдан бош кўтармайдиган, уйга ҳам даста-даста китоб кўтариб келадиган бўлди. Бу китоблар унинг назарида тирик мавжудотга айланди - эрталаблари эшикни очганда димиққан ҳаво гуп этиб уриладиган бу хонага кириши билан китоблар ғимирлаб қўйишади, мутолаага берилган чоғларида унга халақит беришдан ийманиб сукутга толишади - Муножотга шундай туюлади. Намозгар эшикни қулфлаб чиқиши билан илоҳий бир машварат бошланиб, Муножот бу суҳбатлардан қуруқ қолгандай бўлади яна. "Сенга нима қилди, - дерди у гоҳо йиртилган, титилган китобни қўлига олиб. - Йиғлама, ҳозир яхши бўлиб қоласан, мен ўзим сени тузатиб қўяман. Йиғлама, кичкинтой". Шундай чоғларда китоблар унга гўдак боладай туюлиб кетади; она ўз жужуғининг қўлчаларини оғритишдан эҳтиёт бўлиб митти кўйлакчаларни кийгизишга ёки "пишиб" қолган бурмаларини ёғлашга ҳаракат қилгандай китобларни авайлаб елимлайди, тикади...

Муножот ўзи билан ўзи бўлиб ўтираверди, худдики баҳорнинг нозик ифорлари билан ипакдай майин тортган бу боққа нақ йигирма йилдан кейин синфдошлари билан учрашиш учун эмас, хаёл суриш учун келгандай. Аммо бу кун - Муножотга аталган кун эди. Шунданми, чолғувчининг торларидан эмас, жуда баландлашиб кетган осмонданми ва ёким ўйнаб ёғаётган қор парчаларидай енгил учиб тушаётган олма гуллариданми ибтидо олгандай тарала бошлаган дилўртар оҳанглар унинг барча хаёлларини эритиб юборди. Бу - кўҳна "Муножот" эди. У ҳали синфдошлари бундан йигирма йиллар олдингидай қийқиришиб даврага таклиф қилишмасданоқ кўксида юрак эмас, тирик бир жонзод турган каби бесаранжом тапиллаш бошланиб, ўртага тушди.

- Вой энағарди қизи-ей...

Муножот эрига ғалати, овсар одамнинг нигоҳи билан қараб қўйди. Зеро, бу пайтда оҳанглар кўринмас қўлларга айланиб, уни кўтариб боришар, у тобора юксалар, ҳаволанар, яккам-дуккам булутлар бамайлихотир сузиб юрган осмон сари учиб борар эди гўё. Зум ўтмай эса бу булутларнинг юмшоқ парлари оёқ товонларини қитиқлаб, уни ҳозиргина қуршаб турган безаклар, қийқириқлар, дарахтлар, гуллар, қушлар, ранглар - бари ана шу булутларнинг оппоқ туманида эриб кетди. У ёш қизчага айланди. Оғир-вазмин "Муножот" болалик-ёшликнинг энг азиз хотираларига қўшилиб, енгил бир оҳангга айланган, Муножот мана шу енгил тўлқинда сузиб бораркан, мактаб саҳнасини, саҳнада ўзини расмана раққосадай ҳис қилиб чарх ураётган жамалаксоч қизчани, шу қизчанинг кўзларидаги - у ҳар айланганда чор-атрофда аксланиб чарақлаётган бир жуфт юлдузни шоён кўрмоқда эди. Айни пайтда бу қизалоқ гоҳ саратон қуёшининг селида дарё сувини рўмолида тинитиб ичаётган, гоҳ қорайиб кетган пахтазорнинг қоқ ўртасида ёрилиб кетган бармоқларини ушлаб йиғлаётган, гоҳ қор босган боғда ёввойи мушукнинг устига рўмол ёпаман деб югуриб юрган бўлади. Баланд осмондаги юлдузлар, оппоқ туманли тонглар, жимиллаган дарё, дарё ортидаги нотаниш-сирли қишлоқлар...

Ҳа, одамга болаликдаги ҳамма нарса тоза, гўзал, ажойиб туюлаверади. Ҳатто бутун инсоният мисолида ҳам шундай: у замонларда ундай эди, у замонларда бундай эди... ота-боболаримиз ундай бўлишган, ота-боболаримиз бундай бўлишган... Эҳтимол, муддат ўтган сайин ёмонликлар, хатоларнинг сони кўпайиб бораверу, инсон ва инсоният ўша хатолар кам бўлган замонларга интилар? Эҳтимол, алоҳида инсоннинг ҳам, инсониятнинг ҳам феъл-атворидаги манфий жиҳатларнинг ўсиши вақт билан тўғри пропорционалдир? Ким билади дейсиз...

Аслида болалик ҳам мусиқага ўхшайди - мусиқани ўзингиз ижро этиб ёки ижрочининг ёнида туриб ҳис этиб бўлмайди; ундан лаззатланиш учун муайян масофада туриб, кўзингизни юмиб, ҳар бир оҳангнинг чўзилишлари, қайрилишлари, буралишлари, бир-бирига ҳалқадай киришишларини кўриш, томоша қилиш керак бўлади...

Кўҳна "Муножот" ҳамон нола қиларди.

Аммо экранда ҳаракат тўхтаган, Муножотнинг оёқ остидаги олма гулларини эзғилашдан қўрққандай парвозга шайланган қуш сингари оёқ учида туриб қолган лаҳзаси қотириб қўйилган эди.

Ҳаммаси ажойиб эди... Ҳаммаси сирли ва ғаройиб эди...

**Нодира АФОҚОВА**
**(Давоми бор.)**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компаниясида босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 1 2 3 4 5 6